

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ – ТУРК ТАРИХШУНОСЛАРИ НИГОҲИДА

Р.Х.Акбаров, катта ўқитувчи,

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7516694>

Аннотация: Мақолада Туркистон Мухторияти вужудга келишидаги омиллар, унга чет элларда қизиқишнинг бошланиши, турк тарихчиларининг бу борада амалга оширган ишлари, бунинг сабаблари, Мустафо Чўқай ҳақидаги ҳақиқатлар, Туркистон легиони тузилишида М.Чўқай иштироки, М.Чўқай ўлими ҳақидаги тахминлар, турк тарихчиларининг Туркистон Мухторияти ва муваққат парламент ҳисобланган – Халқ Шўроси (Миллат Мажлиси) фаолияти ҳақидаги қарашлари, Миллат Мажлисида қабул қилинган қонунлар ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Туркистон Мухторияти, Туркистон Муваққат ҳукумати, муваққат парламент, парламент аъзолари, Халқ Шўроси, Миллат Мажлиси, Туркистон легиони, дастур, Совет Иттифоқи, большевиклар.

TURKESTAN AUTONOMY - THROUGH THE EYES OF TURKISH HISTORIANS

Abstract: In the article, the factors in the emergence of the Turkestan Autonomy, the beginning of interest in it abroad, the work done by Turkish historians in this regard, the reasons for this, the facts about Mustafa Cho'kai, M. Cho'kai's participation in the formation of the Turkestan Legion, speculations about the death of M. Cho'kai, Turkestan Autonomy and the temporary The parliament is considered to be - views on the activities of the People's Council (National Assembly), information about the laws passed by the National Assembly.

Keywords: Turkestan Autonomy, Provisional Government of Turkestan, Provisional Parliament, Members of Parliament, People's Council, National Assembly, Legion of Turkestan, Program, Soviet Union, Bolsheviks.

ТУРКЕСТАНСКАЯ АВТОНОМИЯ - ГЛАЗАМИ ТУРЕЦКИХ ИСТОРИКОВ

Аннотация: В статье факторы возникновения Туркестанской автономии, начало интереса к ней за рубежом, работы, сделанные турецкими историками в этом отношении, причины этого, факты о Мустафе Чокае, М. Чокае участие в формировании Туркестанского легиона, спекуляции о смерти М. Чокая, Туркестанской автономии и временном парламенте считается - взгляды на деятельность Народного совета (Национального собрания), сведения о принятых законах Национальным собранием.

Ключевые слова: Туркестанская автономия, Временное правительство Туркестана, Временный парламент, депутаты, Народный совет, Национальное собрание, Туркестанский легион, Программа, Советский Союз, большевики.

КИРИШ

XIX аср охирида вужудга келиб, XX аср бошида сиёсий ҳаракатга айланган жаҳидчилик, унинг моҳияти ҳақида дунёнинг кўплаб тарихчилари томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, рус, инглиз ва турк тарихчилари шулар жумласидандир. Айниқса, 1917 йилги сиёсий бўҳронлар натижасида ташкил топган Туркистон Мухторияти, унинг фаолияти, намоёндалари, мухториятчиларнинг большевиклар ҳукумати томонидан қонга ботирилиши энг кўп тадқиқ этилган мавзулардан бирига айланди.

Туркистонда Мухторияти мавзусини энг кўп турк тарихчилари томонидан тадқиқ этилган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, турк миллатига қардош бўлган туркистонлик аҳоли томонидан мустамлакачиликдан қутулиб, илк бор демократик тажриба бўлган мустақил давлат барпо этиш учун ҳаракати, иккинчидан, совет ҳокимияти йилларидаги қатағонлар натижасида кўплаб ватандошларимизнинг Туркия Республикаси ҳудудига ўрнашганликлари, учинчидан, иккинчидан, турк тарихчилари орасида Туркистон тарихига қизиқишнинг катта бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Турк тарихчилари томонидан яратилган мавзуга оид асарларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳга бевосита Туркистон Мухторияти тарихига бағишланган асарлар, иккинчи гуруҳга эса Туркистонда мустақиллик учун курашга муҳим ҳисса қўшган сиёсий етакчилар биографиясига бағишланган асарлар.

Биринчи гуруҳга оид тадқиқотларни ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин: биринчиси, мавзу юзасидан муаллифлар томонидан турли журнал ва илмий-назарий конференцияларда эълон қилинган мақолалар, иккинчиси эса масала юзасидан яратилган комплекс тадқиқотлар.

Умуман турк тарихчиларининг Туркистон Мухторияти масаласига қизиқишлари XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин бошланган. Ўтган асрнинг 20 – 40-йилларида асосан совет ҳукумати томонидан олиб борилган сиёсат, ўлкада ўтказилган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислохотлар ҳақида Ўрта Осиёдан у ерга эмиграцияга кетган ватандошларимиз томонидан эски ўзбек имлосида нашр этилган ойлик “Ёш Туркистон” (1929 йилдан чиқа бошлаган) ва кейинчалик латин графикасида чоп этилган “Янги Туркистон” журналларида мақолалар бериб борилган. Ушбу журналдаги мақолаларнинг аксарияти хорижга кетган ватандошларимиз М.Чўқай, Т.Шокир, Чигатой, Исан Турсун, Темурўғли, Мирза Азми, Туйғун, Абдулвахҳоб ва бошқалар томонидан ёзилган.

XX аср ўрталаригача Туркияда Туркистон тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар асосан эмиграцияга кетган ватандошларимиз томонидан яратилган бўлса, шу даврдан турк тарихчилари томонидан ҳам мавзуга доир тадқиқотлар мақолалар тарзида берилган. Дастлаб бундай мазмундаги мақолалар бевосита Туркистон ҳудуди билан боғлиқ журналларда берилган. Масалан, шулардан бири ойлик “Туркистон” номли илмий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий журнали эди. Ушбу нашрда асосан Туркияга эмиграцияга кетиб, Адана вилоятига жойлашган туркистонлик муҳожирлар учун мақолалар эълон қилинган. Ана шундай муаллифлар сирасига А.Ўқтой, Ўғиз Турккан, Зиёвуддин Бобоқурбан ва бошқалар киради. Ушбу журналда “Туркистон ўлкаси”, “Туркистон қандай қилиб истило қилинди”, “Туркистонда жаҳид матбуоти”, “Мустафо Чўқайнинг шахсий архиви ва китоблари” каби мақолалар берилган [10. 7-25].

Мустафо Чўқайнинг шахсий архиви ва китоблари ҳақидаги мақолага кўра, муаллифга оид ҳужжатлар ва китоблар вафотидан сўнг жуда қийин шароит бўлган иккинчи жаҳон уруши даврида турмуш ўртоғи Мария Чўқаева томонидан Париж университети Шарқ тиллари бўлимига топширилган. М.Чўқайнинг немис тилида ва рус тилида ёзган мақолалари эса А.Ўқтойга жўнатилган. М.Чўқаеванинг хатидан маълум бўлишича, иккинчи жаҳон уруши давридаги қийинчилик уни пул эвазига ҳужжат ва китобларни Париж университетига топширишга мажбур қилганлигини билиш қийин эмас [10. 22-24]. Нима бўлганда ҳам айнан шу мақола Туркистон Мухториятининг Бош вазири бўлган шахс ҳаёти ҳақидаги тадқиқотларнинг бошланишига сабаб бўлган.

Ўз вақтида иккинчи жаҳон уруши даврида немисларга асир тушган, кейинчалик тарихчи олим етишган Боймирза Ҳайит илмий меросига бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда ҳам маълум бир маълумотлар берилган. Унга кўра, узоқ вақтлар давомида Мустафо Чўқай Совет Иттифоқига қарши тузилган Туркистон легионининг асосий ташкилотчиси сифатида кўрсатилганлиги мутлақо асоссиздир. Аслида ҳарбий асирлардан легионерлар сифатида фойдаланиш фикри дастлаб шахсан Гитлерга турк генераллари Эркилет ва Эрден тарафидан билдирилганди [8. 188].

Мустафо Чўқай бунга қарши чикиб, асирларни турли соҳаларда ишлатиш тарафдори бўлсада, бунга муваффақ бўла олмади. Шундан кейин Туркистон легионининг қурилишидан олдин Мустафо Чўқай қуйидаги икки шартни илгари суради:

1. Миллий кадрларни тайёрланиши учун Туркистонликларнинг таълимга жалб этилиши;

2. Туркистон чегараларига қадар етиб борилгунча Легионни Қизил армияга қарши қўлланмаслик. Табиийки, немислар буни қабул этмаганлар [11. 366-367].

Мустафо Чўқайнинг немислар таклифига рози бўлмайди. Бунинг сабаби Мустафо Чўқай дастлаб немис етакчилари билан иттифоқ тузишни мўлжаллаган, фақат тушунчаси хато эканлиги англат етгач, воз кечган. Хотинига ёзган бир хатида “бундай қийнокни кўргандан, ўлганим яхшидир” деб ёзганди. Натижада, 1941 йил ноябрь ойида унга микроб “юқади” ва 1941 йил 27 декабрь куни касалхонада вафот этади. Мустафо Чўқайнинг 51 ёшида, яъни сиёсий арбоб учун айна камолотга етган ёшда тўсатдан вафот этиши кишида шубҳа уйғотади. Шунинг учун Мустафо Чўқайнинг ҳаёти ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлар унинг ўлими ҳақидаги қуйидагича хулосаларга келганлар.

СССР раҳбари Сталин Мустафо Чўқайнинг Ғарбий Европа газеталарида ёзган мақолаларини ўқиғач, унинг фикрларини советлар ҳудудида тарқалишидан хавфсираган ва уни олдини олишга ҳаракат қилган бўлиши мумкин.

Ўша даврда Қозоғистондаги “Йенбекши қазақ” (“Меҳнаткаш қозоқ”), “Қизил Ўзбекистон”, “Ёш Туркистон” газеталарида эълон қилинган мақолалар Мустафо Чўқайнинг “антисовет” қарашларини қораловчи мақолалар эълон қилинганлиги буни кўрсатади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Мустафо Чўқай большевиклар ва фашистлар орасида қолган, асир тушган туркий халқлар вакиллари кутқариш учун курашганди. Тадқиқотчилар Б.Аяген ва А.Какленлар фикрига кўра, айнан шу сабабли Чўқай НКВД томонидан ўлдирилган бўлиши ҳам мумкин. Ёзувчи Омонтой Сатаев ҳам Мустафо Чўқай ўлимида СССРнинг қўли борлигига ишора қилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Тадқиқотчи Д.Хидиралиевга кўра, Мустафо Чўқайнинг ўлимида Розенберг (Мустафо Чўқай уруш арафасида немисларга хизмат қилмаслиги аниқ бўлиб қолгач, Шарқий ҳудудлар вазири Розенберг тарафидан ўлдирилган бўлиши мумкин) [8. 167], унинг ёнида бўлган Вали Қаюмхон ва НКВД вакиллари ҳам жавобгардирлар [8. 167]. Мустафо Чўқай ҳақидаги ушбу маълумотлар совет тарихчилари томонидан тўқилган “хоин” тамғасини асоссиз эканлигини исботлайди.

Мустафо Чўқай ҳақида комплекс тадқиқот олиб борган турк тарихчиси Абдувахҳоб Карадир [4]. Асарда М.Чўқайнинг ёшлик йиллари, Тошкентда гимназия ҳаёти, унга қилинган ҳақсизликлар, Санкт-Петербургдаги университет талабаси бўлган йиллар, унинг сиёсий ҳаётга аралашуви, Давлат думаси қошида ташкил этилган Мусулмонлар бюросидаги фаолияти, 1917 йилдаги сиёсий жараёнлар, Туркистон Мухториятининг

ташкил этилиши ва ундаги иштироки, Мухторият тор-мор этилгач, қувғиндаги йиллар, оилавий ҳаётнинг бошланиши, Париждаги ва умрининг сўнггида Германияда оғир аҳволи ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. Асарда Мустафо Чўқай фаолиятига нисбатана ҳолислик нукта назари кўзга ташланади, яъни миллий қаҳрамон қандай ҳаёт кечирган бўлса, у шундай тасвирланган. Масалан, Туркистон Мухторияти ҳукумати томонидан қатъий қарорлар қабул қилиниши лозим бўлган пайтда, Бош вазир М.Тинишбоев большевикларга қарши бўлмаслик учун кўп бора иккиланади. М.Чўқай фикрига кўра эса, қатъий ҳаракатлар қилиниши лозим бўлган [4. 113]. Бу эса Туркистон Мухторияти ҳукуматини қийин аҳволга солиб қўйган эди.

Совет Иттифоқи тарқалганидан кейин ўлкадаги илк демократик тажриба ҳисобланган Туркистон Мухторияти ҳақидаги тадқиқотлар қамрови кенгайган. Дастлабки даврда асосан Мухторият ҳаракати ҳақидаги жараёнларга кўпроқ урғу берилган бўлса, кейинги тадқиқотларда Мухторият Муваққат ҳукумати ҳамда муваққат парламент ҳисобланган Халқ Шўроси (Миллат Мажлиси) фаолиятига асосий эътибор қаратилган. Турк тарихчиси Айшегул Эраслоннинг “1900 - 1920 йилларда Ғарбий Туркистондаги воқеалар ва уларнинг Истанбул жарналида ёритилиши” номли рисоласи ва Тулай Косеўғли тарафидан эълон қилинган “Туркистон миллий-сиёсий ҳаракат тарихида илк қадам: Туркистон (Қўқон) Мухторияти (1917 - 1918) ” номли мақоласидир [9. 114-119]. Асарда Мухторият тор-мор этилгач, Муваққат ҳукумат ва Халқ Шўроси (Миллий Мажлис) аъзоларидан 50 киши қамоққа олинганлиги, ҳукумат молиявий масалалардан ташқари, Мухториятнинг Халқ Шўроси тарафидан бир қатор қонун лойиҳалари ҳам қабул қилинган. Шулардан бири Халқ таълими вазири Носирхон Тўра бошчилигида бошланғич мактабларни ташкил этиш ва вақф мулкларидан фойдаланиш ҳақидаги қонун лойиҳасидир [9. 116]. Носирхон Тўра вазир сифатида Туркистонда мавжуд мактабларда алифбо сифатида фойдаланиш учун Мунаввар Қорининг “Адиби аввал” дарслигини 500 000 нусхада нашр эттириб, мактабларга тарқатган [5. 25].

Носирхон Тўра тарафидан тайёрланган бошланғич таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси нашр этилган газетани топиш имкони бўлмаганлиги учун, ушбу қонун моҳияти ҳақида аниқ бир фикр юрита олмаймиз. Лекин, чор ҳукумати ағдарилгандан кейин мухторият эълон қилган ва халқ таълими соҳасида баъзи бир ишларни амалга оширган Арманистон мисоли орқали шуни тахмин қилиш мумкин: Арманистон мухторият эълон қилгач, таълимда дастлаб қишлоқ хўжалиги ва техник фанларга оид бошланғич мактабларни ташкил этиш мўлжалланган. Олий таълимни ташкил этиш учун мутахассислар етарли бўлмаганлиги боис ўқувчиларни Ғарб мамлакатларига жўнатиш режалаштирилган [9. 99-100]. Туркистон ўлкасидаги умумий ҳолат Арманистондан кўп фарқ қилмаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Туркистон Мухторияти Халқ Шўроси томонидан қабул қилинган Бошланғич таълим тўғрисидаги қонун ҳам Арманистонда қабул қилинган таълим тўғрисидаги қонундан у қадар катта фарқ қилмаса керак, деб тахмин қилиш мумкин.

Ер-сув ишлари вазири Ҳидоятбек Юрғули Агаев бошчилигидаги комиссия декабрь ойи охирида қабул қилиниши мўлжалланган “Ер тўғрисида”ги Қонун учун материаллар тўплай бошлади [9. 118]. Ушбу қонунга кўра, руслар тарафидан тортиб олинган экин экиладиган ерлар қайтариб олиниши ва ерсиз деҳқонларга бўлиб берилиши назарда тутилган [5. 28].

ХУЛОСА

Умуман олганда Туркистон Мухторияти ташкил этилиши, унинг бошқарув органлари бўлган Муваққат Ҳукумат ва Муваққат парламент фаолияти ҳақида турк тарихчилари томонидан яратилган рисола ва мақола кўринишидаги тадқиқотлар асосан ўз даврида большевиклар ҳукумати томонидан нашр этилган газета, китоблар, шунингдек, Туркияга эмиграцияга кетган ватандошларимиз томонидан эълон қилинган биографик асарлар, мақолалар асосида яратилган. Тадқиқотчиларнинг маҳаллий архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятига эга эмасликлари ушбу асарлардаги баъзи фактик маълумотларнинг етарли эмаслигига сабаб бўлган. Ушбу камчиликларни тўлдириш учун муаллифлар асосан мавжуд материаллар асосида таҳлилий усулга кўпроқ урғу берганлар. Бу эса тадқиқотлар олиб боришда сифат жиҳатидан янгирақ йўналиш пайдо бўлишига сабаб бўлганки, бугунги кунда Ғарб тарихшунослигида ушбу усул устун аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акбаров Р.Х., Бекмирзаев Р. Туркистонда Бутунроссия Таъсис Мажлисига сайловларнинг ташкил этилиши // Pedagogical Sciences and teaching methods. Vol. 1. ISSUE 8. December 2021. – Copenhagen. “Science Edition” 15. 2021. On page. 29-36.
2. Арслонзода Р. История Туркестанской автономии в архивных документах. – Фергана: Classic, 2022. – 96 с.
3. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000. – 168 б.
4. Abdulvahhap Kara. Türkistan Ateşi: Mustafa Çokay'ın Hayatı Ve Mücadelesi. – Istanbul, 2002. – 341 s.
5. Ayşegül Erarslan. 1900 -1920 yılları arasında Batı Türkistan'daki gelişmeler ve Istanbul dergilerine yansımaları. – Bilecik, 2018. – 103 s.
6. Akbarov R.H. The formation of a parliament in Turkestan: attempts and consequences // European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS). – Madrid. Vol. 2 No. 6, June 2021. – P. 121-125.
7. Akbarov R.H. Participation of Turkestan Representatives in the State Duma of Russia // Journal of Ethics and Diversity in International Communication (JEDIC) (ISSN 2792-4017 (online), Published under Volume: 2 Issue: 5 in May-2022 – P. 39-47.
8. Doğumunun 100. yılında Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri. Istanbul. 9-10 ekim 2017. – 492 s.
9. Tülay Köseoğlu. Türkistan milli-siyasi hareket tarihin'de ilk adım: Türkistan (Hokand) Muhtariyeti (1917-1918) // 100.yılında Sovyet ihtilali ve Türk Dünyası. Ankara. 2018. – S 114-119.
10. Türkistan. İlmi, içtimai; iktisadi ve kültürel aylık dergi. 1953. Eylül.
11. 20.Yüzyıl başlarından günümüze türk dünyasındaki Siyasi, iktisadi ve kültürel gelişmeler. Uluslararası sempozyumu. 24-27 Nisan 2018 / Almatı – Kazakistan. – Ankara, 2019. – 928 s.
12. Hamaev N.M., Akbarov R.X. Ulusal Basın Aynasında Özerkliğin Sonu ve Bağımsızlık Hareketinin Başlaması // YENİ TÜRKİYE. 125/2022. – S. 476-481.
13. Boltaboyev, M. (2020). HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD. Theoretical & Applied Science, (6), 668-671.
14. Shamsiyeva M. ON THE ACTIVITIES OF WOMEN'S NGOS IN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN: A COMPARATIVE ANALYSIS GALAXY INTERNATIONAL

INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 10, Issue 6, June (2022).

15. Salmonov, A., & Boltaboev, M. (2021, August). THE CONSEQUENCES OF THE SOVIET GOVERNMENT'S VIOLENT POLICY TOWARDS NON-MUSLIMS IN UZBEKISTAN: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1251>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).